XALQ DEPUTATLARI PAXTAOBOD TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 1 - mart VI-26-20-1-25-K/22 Paxtaobod tumani hokimligi

Пахтаобод туманида аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 8 феврал куни “Ичимлик суви таъминотини яхшилаш”га бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни ижроси таъминлаш мақсадида, аҳолига қишлоқ жойларда, шинам ва қулай ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, сув таъминотини яхшилаш мақсадида Халқ депутатлари Пахтаобод туман кенгаши депутатлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганишлар олиб борилди.

Туманнинг 83,1 % аҳолиси ичимлик суви билан таъминланган, хонадонларга уланган сув 24,6 % ни ташкил қилади, кўча калонкаларидан истеъмол қиладиган аҳоли 58,5 % ни ташкил этса, қолган 16,9 % қисми алтернатив ичимлик сув манбалари, скважний, қудуқ, качалка, дарё, сой, канал, ховуздан фойдаланиб келади.

Аҳоли вакиллари билан мулоқот давомида аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 27 та янги сув қудуқ ўрнатиш, 104,1 км янги сув тармоғи тортиш, 9 та мавжуд сув қудуқларни таъмирлаш ҳамда 60,8 км эскирган сув тармоқларини таъмирлаш ишларни бажарилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Шунингдек, аҳоли билан ўтказилган мулоқотларда 33 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик суви таъминоти 24 соатлик режимга ўтказилса белгиланган тарифларни ўзгаришига розилик билдирилди.

Пахтаобод туманида ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш, бу борада депутатлик ва жамоат назоратини ўрнатиш мақсадида Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 8 феврал куни “Ичимлик суви таъминотини яхшилаш”га бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши депутатлари томонидан аҳолини ичимлик суви билан таъминланиш ҳолатини яхшилаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан ўтказилган мулоқотлари давомида аниқланган муаммо ва камчиликлари ҳамда 33 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик суви таъминоти 24 соатлик режимига ўтказилишга, белгиланган таърифларни ўзгаришига розиликлари инобатга олиниб ёзилган кафолат хатлари инобатга олинсин.

3. Туманда аҳолини ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида “Андижон сув таъминот” МЧЖ Пахтаобод тумани филиалидаги 24 соат сув етказиб бериш имконияти мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари (З.Фозилов), “Андижон сув таъминот” МЧЖ Пахтаобод тумани филиали (А.Отақўзиев)ларга:

- маҳалла фуқаролар йиғинларидаги мавжуд сув қудуқлар холати ва бугунги кундаги холатини хатловдан ўтказиш;

- “Андижон сув таъминот” МЧЖ Пахтаобод тумани филиали томонидан аҳолига ичимлик сувини тоза ва сифатли узлуксиз етказиб бериш;

- тизимдаги мавжуд камчиликлар, аҳоли томонидан билдирилаётган муаммо ва таклифларни ўрганиб чиқиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

- таъмирталаб аҳволга келиб қолган ичимлик сув тармоқларини белгиланган дастурлар доирасида таъмирлаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

- аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- “Обод қишлоқ” дастурида доирасида амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириш;

- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир дастурини ўз вақтида сифатли ижросини таъминлаб бориш топширилсин.

4. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига ўзи сайланган округдаги ичимлик сув таъминоти ҳолатини доимий ўрганиб бориш, туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари, дастурга киритилган лойиҳаларнинг ижроси ҳолатларини ўрганиб бориш ва натижалари бўйича депутатлик назоратини амалга ошириш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (И.Набижонов) ва туман ҳокимининг ўринбосари (З.Фозилов)лар зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **А.Мадумаров**

Xalq deputatlari Paxtaobod tuman
Kengashining
2022 yil 1 martdagi
VI-26-20-1-25-K/22-son qaroriga
1-ilova

"Андижон сув таъминоти" МЧЖ Пахтаобод тумани филиалидаги ахолига 24 соат сув етказиб бериш имконияти мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари

РЎЙХАТИ

Т/р	**МФЙ номи**	**Мавжуд кудуклар сони**
1	Бобур МФЙ	
2	Бўстонобод (Бўстон) МФЙ	**4**
3	Гулистон-пастқишлоқ МФЙ	**3**
4	Дўнгқишлоқ МФЙ	**2**
5	З,Хабибий МФЙ	**2**
6	Зиёли (Иттифоқ) МФЙ	**2**
7	Кумшайдон МФЙ	**2**
8	Қайир МФЙ	**3**
9	Қашқар МФЙ	**2**
10	Қорақўрғон МФЙ	**1**
11	Қўқонқишлоқ МФЙ	
12	Машъал МФЙ	**2**
13	Маърифат (Маданият) МФЙ	**5**
14	Муаззинбой МФЙ	**1**
15	Файзибод МФЙ	**2**
16	Санграобод МФЙ	**1**
17	Мустақиллик МФЙ	**3**
18	Навниҳол (Навбахор) МФЙ	**4**
19	Наврўз МФЙ	**1**
20	Нодирабегим МФЙ	**4**
21	Овушқа МФЙ	**2**
22	Пушмон МФЙ	**4**
23	Сойбўйи (Сохил) МФЙ	**1**
24	Теректаги МФЙ	**2**
25	Тинчлик МФЙ	**1**
26	Тўпажувоз МФЙ	**2**

27	Учкуза МФЙ	**2**
28	Шовруқ МФЙ	**5**
29	Шомат МФЙ	**2**
30	Шувокзор-Бойкечик МФЙ	**1**
31	Юқори МФЙ	**3**
32	Янги обод МФЙ	**1**
33	Янги чек МФЙ	**1**
ЖАМИ:		**71**